

**«Guliston Ekstrakt Yog`» АЖ акциядорларининг  
навбатдаги умумий йиғилиши**

**БАЁНИ**

Гулистон шаҳар

№ 2

27 июн 2015 йил

Жамият Низом жамғармаси: – 831 935 050 сўм.

Бир дона акциянинг номинал қиймати: - 1 685 сўм.

Умумий акциялар сони: – 493 730 дона.

Умумий овоз бериш ҳуқуқига эга акциялар сони: – 488 584 дона.

Йиғилиш раиси: М.М.Мирзаев – Давлатнинг ишончли вакили.

Йиғилиш котиби: Ғ.Х.Ташпулатов.

«Guliston Ekstrakt Yog`» АЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишида 349 783 дона овоз бериш ҳуқуқига эга акционерлар иштирок этишди, йиғилиш кворуми 70.8 фоиз.

**КУН ТАРТИБИ**

1. Жамият бошқарув раисининг 2014 йилда бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича молиявий-хўжалик ҳисоботини тасдиқлаш;
2. Жамиятнинг 2014 йил молиявий кўрсаткичлари аудиторлик текшируви хулосасини тасдиқлаш;
3. Жамиятнинг 2015 йил учун тузилган бизнес - режасини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг 2014 йил учун тузилган бугалтерия балансини тасдиқлаш;
5. Жамиятнинг 2014 йил якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдорини белгилаш;
6. Жамиятнинг 2014 йил якунлари бўйича соф фойдасининг қисмини капитализацияга йўналтириш;
7. Жамият акциясининг номинал қийматини ошириш йўли билан жамият устав капиталини ошириш ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш;
8. Жамият уставини янги таҳрирда қабул қилиш ва тасдиқлаш;
9. Ташқи аудитор хулосасини тасдиқлаш;
10. 2015 йилга жамият аудиторини тайинлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
12. Тафтиш комиссияси аъзоларини таркибини сайлаш;
13. Кузатув кенгаш аъзолари вазифаларини бажариб турган даврида бадал тўлаш ва унинг миқдорини белгилаш;
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ – 4720 – сонли Фармони ижросини таъминланиши;  
- Акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини танлов асосида тайинланиши;
15. Акциядорлик жамиятларининг Уставларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ – 4720 – сонли Фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бошланишидан олдин саноқ комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда бир овоздан сайланди:

Саноқ комиссияси раиси;

Ғ.Х.Ташпулатов - жамиятда қимматли қоғозлар мутахассиси.

Аъзолари;

Р.Р.Каримов – Бош ҳисобчи ўринбосари.

Р.Р.Давидов – Бош ҳуқуқшунос.

1. Кун тартибидаги биринчи масала бўйича, Жамият директори А.Низамов сўзга чиқиб 2014 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи тингланди. (*ҳисобот илова қилинади*).

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Жамият директорининг 2014 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи қониқарсиз деб топилсин ва жамият раҳбарига огохлантириш берилсин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 783

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

2. Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича, «Vuxgalter Audit» МЧЖ Аудиторлик ташкилоти аудитори З.Боймирзаев сўзга чиқиб 2014 йил якуни бўйича «Vuxgalter Audit» МЧЖ Аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2014 йил молиявий-хўжалик фаолияти тўлиқ текширилиб ижобий хулоса берганлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ: «Vuxgalter Audit» МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2014 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига ижобий хулосаси қабул қилинсин ва тасдиқлансин. *(аудиторлик ташкилоти хулосасига асосан).*

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 783

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

3. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича, жамият Режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Э.Хусанбоев сўзга чиқиб жамиятнинг 2015 йилга мўлжалланган Бизнес режаси билан тўлиқ таништирди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ: Умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан жамиятнинг 2015 йилга тузилган Бизнес режаси тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 783

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

4. Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича, Жамият Бош ҳисобчиси Б.Тойиров сўзга чиқиб 2014 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар кўрсаткичларини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. *(йиллик бухгалтерия балансига асосан).*

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан навбатдаги умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ: 2014 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар кўрсаткичлари маълумот учун қабул қилинсин ва 2014 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси тасдиқлансин. Молиявий натижалар кўрсаткичлари 2014 йилда тасдиқланган бизнес режага нисбатан бажарилмаганлиги муносабати билан қониқарсиз деб топилсин ва жамият бош ҳисобчисига огохлантириш берилсин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 783

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

5. Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб 2014 йил якуни бўйича жамият бухгалтерия балансида қайд этилган 388 605 000 сўмлик соф фойданинг 5 %ини яъни 19 430,3 минг сўмини жамият захира капиталига, 55,1% ини яъни 213 974,7 минг сўми (бир дона акцияга 433 сўм 38 тийин) дивиденд тўлашга, шу жумладан оддий акцияларга 211744,5 минг сўм, имтиёзли акциялар бўйича 2 230,2 минг. сўм, 39,9%ини яъни 155 200,0 сўмини жамиятнинг устав капиталини оширишга йўналтирилишини таклиф қилди.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича мақуллади.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 783

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан навбатдаги умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ:

2014 йил якуни бўйича Жамиятнинг 388 605 000 сўмлик соф фойда қуйидагича тақсимлансин:

5 % ини яъни 19 430,3 минг сўми Жамият захира фондида;

55,1 % ини яъни 213 974,7 минг сўми (бир дона акцияга 433 сўм 38 тийин) дивиденд тўлашга;

39,9%ини яъни 155 200,0 сўми Жамиятнинг устав капиталини оширишга.

6. Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича, йиғилиш раиси Мирзаев М.М.сўзга чиқиб 2014 йил якуни бўйича Жамият бухгалтерия балансида қайд этилган 388 605 000 сўмлик соф фойданинг 39,9%ини яъни 155 200,0 сўми капитализацияга йўналтирилишини ва Жамиятнинг устав капиталини оширишга йўналтирилишини таклиф қилди, шунда Жамиятнинг бир дона акциясининг номинал қиймати 1999 сўми ва устав фонди 986 966 270 минг сўми ташкил қилишини маълум қилди.

Ёқлайман – 349 783

Овоз бериш натижалари:

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан навбатдаги умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ:

2014 йил якуни бўйича Жамиятнинг 388 605 000 сўмлик соф фойданинг 39,9%ини яъни 155 200 000 сўмни капитализацияга йуналтирилсин ва Жамиятнинг устав капиталини оширишга йуналтирилсин.

7. Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича, Жамият бош хуқуқшуноси Р.Давидов сўзга чиқиб, Жамиятнинг устав фондини капитализация йуналтирилган маблағ ҳисобидан акцияларнинг номинал қийматини 1 685 сўмдан 1 999 сўмга ошириш йўли билан кўпайтирилишга ва Жамиятнинг устав фондини 986 966 270 сўм миқдорида белгиланишини таклиф қилди.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 783

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан навбатдаги умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ: Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтирилсин ва номинал қиймати 1999 сўм бўлган устав фонди 986 966 270 сўм миқдорида белгилансин.

«Guliston Ekstrakt Yog`» АЖ устав фонди капитализация йуналтирилган маблағ ҳисобидан акцияларнинг номинал қийматини 1 685 сўмдан 1 999 сўмга ошириш йўли билан кўпайтирилсин ва 986 966 270 сўм миқдорида белгилансин. Капиталлаштирилган сумманинг қолдиқ қисми, яъни 168 780 сўм Жамият устав фонднинг кейинги кўпайтиришларида ҳисобга олинсин.

986 966 270 сўм умумий қийматга эга ҳар бирининг номинал қиймати 1 999 сўм бўлган 488 584 дона эгаси ёзилган оддий акция ва 5 146 дона эгаси ёзилган имтиёзли акцияларнинг янги чиқарилиши амалга оширилсин.

Акцияларнинг янги чиқарилиши ёпиқ обуна асосида акциядорлар орасида жойлаштирилиши белгилансин.

Янги чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш паст номинал қийматга эга акцияларни юқори номинал қийматга эга акцияларга айирбошлаш йўли билан амалга оширилсин.

Акцияларнинг ушбу чиқарилишини жойлаштириш номинал қиймати бўйича фуқаролик-хуқуқий битимлар тузилмаган ҳолда амалга оширилсин.

8. Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича, Жамият бош хуқуқшуноси Р.Давидов сўзга чиқиб Жамиятнинг янги тахрирдаги Низомини таништирди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОП ҚИЛАДИ: Жамиятнинг янги тахрирдаги Низомни тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 783

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

9. Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб, «Vuxgalter Audit» МЧЖ Аудиторлик ташкилоти аудитори З.Боймирзаев томонидан ўқиб эшиттирилган Жамиятнинг 2014 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича аудиторлик хулосасини тасдиқлаш таклифини берди.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича мақуллади.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 783

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

10. Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб, 2015 йилга жамият аудиторини тайинлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш Жамиятнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилишини ва ушбу йиғилишга жамият томонидан аудиторлик жамиятларидан аудиторлик текшируви ўтказилиши тўғрисидаги таклифларни олиш бўйича ўз таклифини киритди.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича мақуллади.

Овоз бериш натижалари:

11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб Кузатув кенгаши аъзолигига таклиф қилинганлар рўйхати билан таништирди. Бу рўйхат бўйича такдим қилинган номзодлар қуйидагича овоз бериш йўли билан сайланди.

Овоз бериш натижалари:

Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини таркибини кўриб чиқиш ва сайлаш.	Ёқлайман	Қаршиман	Бетарафман
Мирзаев.М - Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари	Давлат ишочли вакили		
Химматов.А - Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси раиси ўринбосари	349 783	-	-
Шадмановкулов.Ш - Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари	349 783	-	-
Джураев.В - Озик-овкат саноати корхоналари уюшмаси раиси ўринбосари	349 783	-	-
Каримов.А - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқарма бошлиғи	349 783	-	-
Исаев. М - Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат қўмитаси Сирдарё вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари	349 783	-	-
Исмаилов. И – Давлат активларини бошқариш марказининг бош мутахассиси	349 783	-	-
Тулаганов.Д Нафақахўр	349 783	-	-
Ақилханов.О Туркистон Инвест АЖ вакили	349 783	-	-

12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб Тафтиш комиссияси аъзолигига таклиф қилинганлар рўйхати билан таништирди. Бу рўйхат бўйича такдим қилинган номзодлар қуйидагича овоз бериш йўли билан сайланди.

Тафтиш комиссияси аъзоларини таркибини кўриб чиқиш ва сайлаш.	Ёқлайман	Қаршиман	Бетарафман
Умматов.Б - Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси бош мутахассиси	349 783	-	-
Раупов.А - Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси етакчи мутахассиси	349 783	-	-
Хатамов.И - Сирдарё рақобат бошқармаси бўлим бошлиғи	349 783	-	-

13. Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши аъзолари вазифаларини бажариб турган даврида 1 йиллик маоши 15 минимал иш хақи миқдоридида белгилашни таклифини киритди.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала юзасидан умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига 1 йиллик маоши 15 минимал иш хақи миқдоридида белгилансин, шу жумладан Жамият Кузатув кенгаши таркибидаги К.Эрназаров вазифасини бажариб турган даврида ярим йиллик маоши 7.5 минимал иш хақи миқдоридида белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 512

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – 4 376

14. Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича, йиғилиш раиси М.М.Мирзаев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ – 4720 – сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, хозирги вақтда жамиятда раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган А.А.Низамовни, танлов асосида сайлангунига қадар, Жамиятда раҳбарлик лавозимини вақтинча эгаллаб туриш фикрини билдирди.

Бу таклифни умумий йиғилиш овоз бериш йўли билан қуйидагича мақуллади.

Овоз бериш натижалари:

Ёқлайман – 349 783

Қаршиман – йуқ

Бетарафман – йуқ

15. Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича, Жамият бош ҳуқуқшуноси Р.Давидов сўзга

чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ – 4720 сонли Фармони талабларини бажариш мақсадида Жамият уставига киритилган тегишли ўзгартиришлар хақида ўқиб эшиттирди.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала юзасидан навбатдаги умумий йиғилиш ҚАРОР ҚИЛАДИ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ – 4720 – сонли Фармони талабларини бажариш мақсадида Жамият низомига киритиладиган ўзгартиришлар Жамият низоми янги тахрирда қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Ўқлайман – 349 783

Қаршиман – йук

Бетарафман – йук

Ушбу баённома икки нусхада тузилиб, бир нусхаси йиғилиш раисиди, иккинчи нусхаси жамият қимматли қоғозлар мутахассисиди сақланади.

Хар иккала нусхаси хам бир хил юридик кучга эга.